
EYIB
EDUCATIONAL YIELD
INSIGHTS & BREAKTHROUGHS
TA'LIMGA OID TUSHUNCHALAR VA YUTUQLAR
ISSN:3060-4648
Vol.8 №3
https://eyib.uz



НОЁБ ҚЎЛЁЗМА ВА ТАРИХИЙ ХУЖЖАТЛАР КОНСЕРВАЦИЯСИ ҲАМДА РЕСТАВРАЦИЯСИ: МУАММОЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

Исломжон Раҳимов

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Реставрация лабораторияси етакчи мутахассиси
Тел: + 998998844245
islomjonrahimov04@gmail.com

Annotatsiya

Ушбу мақолада ноёб қўлёзма манбаларни тўғри сақлаш, уларни консервация ва реставрация қилишнинг илмий-амалий асослари ёритилган. Шунингдек, тарихий асарларни таъмирлаш жараёнида йўл қўйиладиган хатолар, уларнинг манбага етказадиган салбий таъсирлари ҳамда бу борадаги долзарб муаммоларнинг ечимлари таҳлил қилинган.

Kalit so‘zlar: реставрация, консервация, қўлёзма, намлик, ҳарорат, ёруғлик, қувватлилик даражаси, превентив консервация, сиёҳ.

Ноёб қўлёзма асарлар жамият, миллат ва турли халқларнинг маънавий, маданий ҳамда илмий бойлиги ҳисобланади. Шу боис, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш масаласи ўзига хос масъулият ва қатъий илмий меъёрларни талаб этади. Бутун жаҳон соҳа мутахассисларининг тарихий ашёларни сақлаш ва реставрация қилишга бўлган ёндашувлари халқаро мезонларда ўз аксини топган. Унга кўра, консервация ва реставрациядан кўзланган асосий мақсад - ноёб ашёни зарарланишдан ҳимоя қилиш, унинг емирилиш жараёнларини тўхтатиш ва салбий омилларни бартараф этишдан иборатдир.

Мазкур ёндашувга асосан, консервация амалиёти шартли равишда уч йирик босқичга бўлинади:

- **Превентив (олдини олиш) консервацияси;**
- **Стабиллаштирувчи (ҳолатни яхсловчи) консервация;**
- **Реставрация (қайта тиклаш).**

Превентив консервация. Консервациянинг бу йўналиши тарихий манбага ҳеч қандай жисмоний ўзгартириш киритмасдан, унинг табиий ҳолатини

сақлаб қолиш ва аҳволи ёмонлашувининг олдини олишга қаратилган. Бунинг учун қуйидаги қатъий талабларга амал қилиш муҳим ҳисобланади:

Ҳарорат меъёри: Сақлаш, қайта ишлаш ва тадқиқот олиб бориладиган хоналарнинг ҳарорати доимий равишда 18–22 °C оралиғида бўлиши лозим. Агар ҳарорат +22 °C дан ортса, қўлёзма саҳифалари ва муқова қисмларида қуриш жараёни рўй бериб, қоғоз мўртлашади[1]. Шундай экан ҳароратни меъерда ушлаб туриш қўлёзма манба ва тариҳий ҳужжатларнинг умрини узайтиришга ҳизмат қилади.

Намлик режими: Сақловхонадаги нисбий намлик миқдори 50–55% этиб белгиланган. Намликнинг меъёрдан ортиши саҳифаларда доғлар пайдо бўлишига, камайиши эса қоғознинг мустаҳкамлигини йўқотиб, бурдаланиши ва синишига олиб келади[2]. Намлик даражасини назорат қилиш учун Termogigrometor ёки Data logger ёрдамида камида 2 марта ўлчаб туриш мақсадга муофиқ.

Ёруғлик талаблари: Ёруғлик миқдори 50 люксдан ошмаслиги шарт. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, тўғридан-тўғри қуёш нуридан ҳимоя қилинмайдиган хоналарда ёруғлик 1000–5000 люксгача етиши мумкин. Қуёшдан келадиган ультрабинафша нурлар қоғоз ва сиёҳ таркибини тез фурсатда емирувчи хавфли омил ҳисобланади. Бу жиҳатлар XX аср бошида инобатга олинишни бошлади ва китоб сақланадиган хоналарда деразалар бўлмаслиги талаб этилди.

Стабиллаштирувчи консервация. Бу амалиёт тури нормал ҳолатини йўқотган ёки зарарланган ҳужжатларга ишлов бериш орқали уларни мувозанатга келтиришга хизмат қилади. Масалан, намлиги ортиб кетган ёки ҳаддан ташқари қуриган, букланиб қолган ҳужжатлар ўрганилиб, уларга мос чоралар кўрилади. Ҳужжатларнинг кислоталилик (қувватлилик) даражаси тушиб кетганда, кальций гидроксиди ёки карбонат ангидрид суюқлиги билан ишлов берилиб, кўрсаткич меъёрига келтирилади. Бу амалиёт манбанинг табиий тузилишига жисмоний ўзгартириш киритмаган ҳолда унинг физик ҳолатини яхшилайди ва мустахкам бўлишини таъминлайди.

Реставрация. Бу таъмирлаш жараёнининг энг мураккаб йўналиши бўлиб, тарихий манбага бевосита аралашув орқали қайта тиклаш амалиётларини бажаришни кўзда тутади. Агар бошқа усуллар билан манбани сақлаб қолиш ёки емирилишни тўхтатиш имкони бўлмасагина реставрацияга мурожаат қилинади. Унинг асосий мақсади - тарихий ашёнинг аслини сақлаган ҳолда, йиртилган ёки йиртилишга мойил қисмларининг шикастланишини тўхтатиб қолиш ва умумий ҳолатини яхшилашдир[3].

Соҳада кузатилаётган муаммолар ва уларнинг салбий оқибатлари. Ноёб манбаларни консервация ва реставрация қилиш бугунги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади. Бироқ соҳага оид етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган

[1] Пўлатов Ш., Исломов Ш. Тарихий ҳужжатларнинг консервация ва реставрацияси: назария ва амалиёт: ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б. 74-77.
[2] Ходжаева Б. Қўлёзма манбаларни тиклаш илмининг илк маркази: Шарқшунослик институти реставрация лабораторияси тарихи // Мерос. № 2, 2025. – Б. 153.
[3] Пўлатов Ш., Исломов Ш. Тарихий ҳужжатларнинг консервация ва реставрацияси: назария ва амалиёт: ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б. 9-10.

шахслар томонидан йўл қўйилаётган хатолар қимматбаҳо қўлёзмаларнинг қайта тиклаб бўлмайдиган ҳолатга келишига сабаб бўлмоқда. Жумладан:

Сунъий елим ва скотчлардан фойдаланиш: Реставрация жараёнида ПВА ёғоч елими, стальярны клей ёки бошқа сунъий елимлардан фойдаланиш вақт ўтиши билан манбага салбий таъсир кўрсатади. Масалан сунъий елим вақт ўтиши билан қотиб, мустаҳкамлашиб боради ва қоғоз таркибини синдириб, емириб юборади. Кўпинча бундай елимлар китобнинг ётиқ қисмларига (каришогига) сурилиб, натижада китоблар очилмай қолади, очилган тақдирда ҳам синиб кетади. Шунингдек, зарарланган саҳифаларни скотч билан ёпиштириш амалиёти ҳам қоғоз ва сиёҳ таркибига жиддий зарар етказади.

Нотўғри намлаш усуллари: Букланган ҳужжат ва варақларни текислаш мақсадида оддий сув ёрдамида намлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Тарихий манбаларнинг аксарият сиёҳлари табиий усулда тайёрлангани сабабли сув текканда суркалиб, ёйилиб кетади ва ўз кучини йўқотади, суркалади, охир оқибат ўчиб кетишига ҳам олиб келади.

Фойдаланиш маданиятидаги хатолар: Қўлёзма китоблардан фойдаланишда уларни фақат **120° бурчак остида** очиш талаб этилади. Афсуски, айрим тадқиқотчилар қулайлик мақсадида қўлёзмаларни **180° бурчак остида** очиб фойдаланишади. Бунинг оқибатида китобнинг жузланган қисмлари жиддий зарарланиб, вақт ўтиши билан жузлар бир-биридан ажралиб кетади[4]. Шу сабсбли қўлёзмалардан фойдаланмоқчи бўлган тадқиқотчилар махсус ёстиқчалар ёрдамида китобдан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги таҳлил ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ноёб қўлёзмаларни асраб-авайлаш борасида қуйидаги амалий таклифларни илгари суриш мумкин: Соҳа мутахассислари бошчилигида шаҳар музейлари ва қўлёзма институтларида қисқа муддатли консервация ва реставрация бўйича ўқув курслари ҳамда маҳорат дарсларини мунтазам ўтказиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари манбашунослик ва тарих йўналишида таҳсил олаётган ёш мутахассислар ва тадқиқотчиларнинг ўқув дастурларига консервация ва реставрация асосларини махсус фан сифатида киритиш лозим. Бугунги кунга қадар бу соҳа асосан устоз-шогирд анъанаси орқали ўтиб келаётган бўлса-да, илмий ёндашувни жорий этиш орқали ёш кадрларда тарихий манбалар билан тўғри муомала қилиш кўникмаларини шакллантириш мумкин.

Ноёб манбаларни сақлашда қўшимча ҳимоя воситаларини қўллаш, улардан фойдаланишда ҳам анъанавий, ҳам замонавий илмий услублардан хабардор бўлиш муҳим ҳисобланади. Бу амалиёт асрлар давомида сақланиб келаётган маданий меросимиз умрини янада узайтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пўлатов Ш., Исламов Ш. Тарихий ҳужжатларнинг консервация ва реставрацияси: назария ва амалиёт. – Тошкент: “Наврўз”, 2017.

2. Мирабиле А. Қоғоз ҳужжатларни сақлаш // Шарқ қўлёзмалари хазинаси. – Туркия: “Мега Басим”, UNESCO, 2012.

[4] Пўлатов Ш., Исломов Ш. Тарихий ҳужжатларнинг консервация ва реставрацияси: назария ва амалиёт: ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б. 86.

3. Cleaning // Science for Conservators. Book 2. – London: “The Conservation unit”, 1984.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази “Шарқ қўлёзмалари хазинаси” муваққат йўриқномаси. – 2015.

5. An Introduction to Materials // Science for Conservators. Book 1. – London: “The Conservation unit”, 1987.